

## Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

VIII-IX асрларда Шарқда яшаб ижод этган улуғ аллома Мухаммад ал-Хоразмий математика, геометрия, астрономия, тарих, география ва бошқа фанларга доир кўплаб рисолалар ёзган. У  рақамини ва ўнлик саноқ тизимини ҳамда кутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб берган ва амалиётга татбиқ этган. Мухаммад ал-Хоразмий алгебра фанига ва алгоритмлаштириш назариясига асос солган, илмий маълумот ва трактатларни баён этишининг аниқ қоидаларини ишлаб чиқкан. 

Ўнлик саноқ тизими, алгебра ва алгоритмлаштириш йўналишларида дунё илм-фани ривожидаги хизматлари умумэтироф этилган Шарқ олимлари орасида факат Мухаммад ал-Хоразмийнинг асарлари ва номи илмий давраларда фаол қўлланиб келинаётган   ва  замонавий илмий атамаларда агадийлаштирилди. Бугунги кунда юқори технологияларга асосланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бажарилаётган барча хисоблаш амалларига буюк олим Мухаммад ал-Хоразмийнинг илмий кашфиётлари асос бўлиб хизмат қилмоқда. 

Улуғ аллома Мухаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросини қадрлаш, асраб-авайлашнинг нақадар мухимлигини ёш авлод онгига чукур сингдириш, шунингдек, ёшларга таълим-тарбия бериш ва илм-фаннынг юксак мэрраларини забт этиш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳалари учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида: 

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Тошкент ахборот технологиялари университетига (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) Мухаммад ал-Хоразмий номини бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. 

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги билан биргаликда 2017/2018 ўқув йилидан бошлиб Университетда улуғ аллома Мухаммад ал-Хоразмийнинг номини агадийлаштириш ҳамда унинг буюк ва бебаҳо меросини кенг ўрганиш билан боғлиқ қўйидаги тадбирларни амалга оширсин: 

иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам алоқаларини таъминлаш учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида республика ва халқаро кўламда илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш; 

олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, шу жумладан, дастурий маҳсулотларни яратиш борасида танлов ва олимпиадалар ўтказиш; 

Университетнинг иқтидорли талабалари учун бериладиган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги

стипендияни жорий этиш;□

республиканинг етакчи олимлари, хусусан, академиклар ва фан арбоблари иштирокида олий таълим муассасалари талабалари, ёш олимлар, профессор-ўқитувчилар билан илмий учрашувлар ҳамда давра сухбатларини ташкил этиш;□

математик моделлаштириш, алгоритмлаш ва криптология соҳаларида, компьютер ва дастурий инжинииринг, телекоммуникация ва телевизион технологиялари, ахборот хавфсизлиги йўналишларида замонавий ўкув адабиётларини ишлаб чиқиш, уларнинг мультимедиали авлодларини яратиш ҳамда талабалар, олимлар ва педагогларнинг ушбу ўкув адабиётларидан эркин фойдаланишлари учун уларни электрон ресурсларга жойлаштириш;□

оммавий ахборот воситаларида ҳамда ZiyoNet миллий таълим тармоғида улуг аллома, қомусшунос олим Муҳаммад ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодини ёритувчи мақола ва материалларни бериб бориш;□

замонавий технологияларга асосланган илм-фаннинг янги қирраларини тадқиқ этиш учун янги ўкув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш;□

иқтидорли талабалар, ёш олимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг истиқболли илмий-тадқиқот ишлари натижалари ва илмий мақолалари даврий равишда эълон қилиб бориладиган □□□□□□□□□□□ ал-Хоразмий авлодлари” номли илмий журнални таъсис этиш;□

2018 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий таваллудининг 1235 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан илмий-амалий ва маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш.□

3. Университет хузуридаги Дастурий маҳсулотлар ва аппарат дастурий мажмуалар яратиш маркази негизида юридик шахс мақомига эга бўлган Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:□

республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳалари учун реал эҳтиёжларни ҳисобга олиб, ички ва ташки бозорларда рақобатбардош, сифатли маҳаллий дастурий маҳсулотларни, энг аввало, Университетда таълим олаётган талабаларни кенг жалб этган ҳолда ишлаб чиқиш;□

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида илмий мактабларни янада ривожлантириш, ёш олимлар ва илмий-педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини тижоратлаштиришни ташкил қилиш;□

иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳалари буюртмалари асосида бошқарув, ишлаб чиқариш, бизнес ва бошқа йўналишдаги жараёнларни автоматлаштиришни тизимли илмий таҳлил қилиш, уларнинг моделларини ҳамда алгоритмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;□

республикада юқори технологияларга асосланган техник ва дастурий маҳсулотларни яратиш, импорт ўрнини босувчи қурилмаларни маҳаллийлаштириш ва экспортбоп қурилмаларни ишлаб чиқиш юзасидан фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;□

давлат илмий-техник грантлари ва хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;□

Университет талабалари, мутахассислари ва ёш илмий ходимларини миллий дастурий маҳсулотлар ва аппарат дастурий мажмуаларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот лойиҳаларига кенг жалб этиш;□

хорижий мамлакатларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги илғор илмий-тадқиқот марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиши.□

4. Марказ Университет хузуридаги Дастурий маҳсулотлар ва аппарат дастурий мажмуалар яратиш марказининг барча хуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича хуқукий вориси бўлиб хисобланади.□

5. Университет қошида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилсин ва унинг маблағларини шакллантириш манбалари этиб мобиль алоқа хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловдан тушадиган маблағларнинг 1,0 фоиз миқдоридаги ажратмалар ва қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар белгилансин.□

6. Жамғарма маблағларидан фойдаланишининг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:□

Университет учун ўкув дарсликлар ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш, шу жумладан, хорижий адабиётларни харид қилиш, унинг иқтидорли талабалари учун бериладиган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия харажатларини қоплаш ва □□□□□□□□□□□□ ал-Хоразмий авлодлари□□□ номли илмий журнал нашр этилишини молиявий қўллаб-қувватлаш;□

Университет ва Марказнинг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги илмий-тадқиқот□ва тажриба-конструкторлик ишларини танлов асосида молиялаштириш, уларнинг илмий ва ўкув лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар, зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш;□

Университетнинг иқтидорли талабалари, профессор-ўқитувчилари ва ёш илмий ходимларини етакчи хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, Университетда дарс бериш ва Марказда илмий тадқиқотлар ўтказиш учун юқори малакали хорижий мутахассислар ва олимларни жалб қилиш.□

Жамғарма маблағларини бошқариш вазифаси Университетнинг Васийлик кенгашига юклансин.□

7. Ўзбекистон Р еспубликаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда:□

Университет ва Марказнинг тузилмасини ва уставини тасдиқласин ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;□

Ўзбекистон Р еспубликаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги Хукумат қарори лойиҳасини киритсан;□

башқа манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.□

8. Ўзбекистон Р еспубликаси Марказий банкига ва тијорат банклариға Университетнинг буюртманомалари бўйича Жамғарма маблағлари ҳисобидан хориждан сотиб олинадиган замонавий илмий асбоб-ускуналар, бутловчи кисмлар ҳамда хорижий илмий адабиётлар учун зарур бўлган пул маблағларини конвертация қилиш тавсия этилсан. □

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида 2016 йил 27 декабрдаги ПК-2699-сонли карорига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммаларига юклансин. □

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри, 2017 йил 15 март□

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
“Тошкент ахборот технологиялари университетининг  
фаолиятини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига

ШАРХ

Қадимий юртимиз заминида яшаб ўтган буюк алломалар, мутафаккирларнинг жаҳон цивилизациясига кўшган улкан хиссаси, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бебаҳо маърифий мероси, илмий-ижодий кашфиётлари бугунги кунда ҳам жаҳон ахлини ҳайратга солиб келмоқда. □

Ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳакида гап кетгандা, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараккиётига бекиёс ҳисса кўшган аллома Мухаммад ал-Хоразмийнинг номи биринчилар қаторида тилга олинади. □

Тұлық исми шарифи Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ал-Хоразмий ал-Мажусий ал-Қатраббулий бўлган бу улуғ зот мелодий 783 йилда Хоразмнинг маданият ва маърифат марказларидан бири бўлган Хива

شاҳрида таваллуд топган. Буюк иқтидори, илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси билан танилган Муҳаммад ал-Хоразмий ўз даврининг қомусий алломаси сифатида эътироф этилади. Унинг илм-фан тараққиёти йўлидаги хизматлари эътиборга олиниб, ўша даврда □ □□□□□□ ул-Ҳикма□ □□ □ “Донишмандлар уйи” деган ном билан машхур бўлган Маъмун академиясига раҳбар этиб тайинланади.□  
Муҳаммад ал-Хоразмий математика, геометрия, астрономия, тарих, география ва бошқа фанларнинг илмий йўналишларида кўплаб қомусий асарлар яратган. Алгебра фанига асос солиб, фундаментал маълумотлар, трактатларни илмий баён этиш қоидаларини ишлаб чиқкан. Буюк ватандошимизнинг илмий изланишлари, илмий-тадқиқот назариялари ва илмий хulosалари бутун жаҳон илму маърифат ахли томонидан эътироф этилиб, дунё илм-фанининг бебаҳо мероси сифатида юксак қадрланиб келинади.□

Бугунги кунда замонавий математика, геометрия, тригонометрия, география каби фанлар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида эришилаётган ютуқларнинг тамал тоши айнан Муҳаммад ал-Хоразмий томонидан кўйилгани жаҳон миқёсида эътироф этилган ҳақиқатдир.□

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Р еспубликасида ўқув-услубий, илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштиришнинг барқарор тизими яратилди. Мамлакатимизда дунё андозаларига мос илмий-ўқув лабораториялари, кафедралар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, нуфузли илмий марказлар, мактаблар яратилди.□

Бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университети замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахassislar тайёрлайдиган юртимиздаги етакчи олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Университетнинг Самарқанд, Фарғона, Қарши, Урганч, Нукус филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Университет ва унинг филиалларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер инжиниеринги, дастурний инжиниеринг, почта алоқатехнологиялари каби ўнлаб таълим йўналишлари бўйича ўн мингдан зиёд талаба таҳсил олмоқда.□

Ёш авлодни улуғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросининг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг □ □□□□□□□□□ ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.□

Ўзбекистон Р еспубликаси Президенти томонидан Университетнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларини иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг долзарб муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграцияни таъминлаш, дастурний маҳсулотлар яратиш, уларни иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига жорий этишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.□

Карор Университет ва унинг филиалларида таҳсил олаётган ёшларга таълим тарбия бериш ва илм-фанинг юксак чўққиларини эгаллашда зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахassislar тайёрлашни янада такомиллаштиришда бекиёс катта аҳамиятга эгадир.□

Мазкур қарор билан Тошкент ахборот технологиялари университетига Мұхаммад ал-Хоразмий номи берилди, шунингдек, 2017/2018 ўкув йилидан бошлаб Университеттә улуф аллома номини абадиylаштириш ҳамда унинг буюқ ва бебаҳо меросини кенг ўрганиш билан боғлиқ қатор тадбирларни амалга ошириш белгиланди.□

Қарорда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳалари билан таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам алоқасини таъминлаш, анъанавий тарзда республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлар ўtkазиш, юртимиздаги етакчи илм-фан намояндадлари иштирокида олий таълим муассасалари талабалари, ёш олимлар, профессор-ўқитувчилар билан учрашувлар ташкил этишга эътибор қаратиш, шунингдек, Университетнинг иқтидорли талабалари учун бериладиган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияни жорий этиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилган.□

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий маҳсулотларни яратиш борасида танлов ва олимпиадалар ўтказиш, математик моделлаштириш, алгоритмлаш, криптология, компьютер ва дастурий инжиниринг, телекоммуникация ва телевизион технологиялари, ахборот хавфсизлиги йўналишларида замонавий ўкув адабиётларини тайёрлаш, уларнинг мультимедиали авлодларини яратиш ҳамда талабалар, олимлар ва педагогларнинг ушбу ўкув адабиётларидан эркин фойдаланишлари учун уларни электрон ресурсларга жойлаштириши масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. □

Мазкур марказнинг асосий вазифалари сифатида иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқлари учун реал эҳтиёжларни ҳисобга олиб, ички ва ташки бозорларда рақобатдош, сифатли маҳаллий дастурий маҳсулотларни яратишга, энг аввало, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида таълим олаётган талабаларни кенг жалб этиш белгиланди. □

Қарорға кўра, марказда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳалари буюртмалари асосида бошқарув, ишлаб чиқариш, бизнес ва бошқа йўналишдаги жараёнларни автоматлаштиришни тизимли ва илмий таҳлил килиш, уларнинг моделларини ҳамда алгоритмларини ишлаб чикиш ҳамда жорий этиш механизмлари яратилади. □

Мамлакатимизда юқори технологияларга асосланган техник ва дастурий маҳсулотларни яратиш, импорт ўрнини босувчи қурилмаларни маҳаллийлаштириш ва экспортбоп қурилмаларни ишлаб чиқиши юзасидан фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади.□

Марказда яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган холда, Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари, мутахассислари ва ёш илмий ходимларини миллий дастурий маҳсулотлар ва аппарат дастурий мажмуаларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот лойиҳаларига кенг жалб этиш, хорижий мамлакатларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги илғор илмий-тадқиқот марказлари билан ўзаро манбаатли ҳамкорликни

йўлга қўйишга ҳам катта эътибор қаратилади.□

Қабул қилинган қарорнинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, Университет қошида Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилмоқда. Мазкур Жамғарманинг маблағлари мобиль алоқа хизматлари кўрсатадиган компаниялар томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловдан тушадиган маблағларнинг 1,0 фоиз миқдоридаги ажратмалар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилиши кўзда тутилмоқда. Мазкур Жамғарма маблағларидан қўйидаги йўналишларда фойдаланиш белгиланмоқда:□

Университет учун ўқув дарсликлар, илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш, жумладан, хорижий адабиётларни харид қилиш, иқтидорли талабалар учун бериладиган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия харажатларини қоплаш ва □ □□□□□□□□□□□ ал-Хоразмий авлодлари□ □□ илмий журнали нашр этилишини молиявий қўллаб-куватлаш;□

Университет ва Марказнинг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини танлов асосида молиялаштириш, уларнинг илмий ва ўқув лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар, зарур материаллар ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш;□

Университетнинг иқтидорли талабалари, профессор-ўқитувчилари ва ёш илмий ходимларини етакчи хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, Университетда дарс бериш ва Марказда илмий тадқиқотлар ўтказиш учун юқори малакали хорижий мутахассислар ва олимларни жалб қилиш.□

Қарор доирасида назарда тутилган барча тадбирлар мамлакатимизда иқтисодиётнинг инновацион тараққиётини таъминлашда, илм-фан ва кадрлар тайёрлашнинг ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қиласи.□

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фаннынг нуфузини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг шарафли меҳнатини қадрлаш, кадрлар интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, уни ташкиллаштириш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, университетнинг моддий-техник базасини тубдан яхшилаш, унинг хорижий давлатлардаги нуфузини кўтариш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кўпроқ жалб қилишга кенг йўл очади.